



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI

## BOG'OT TUMANI HOKIMINING

### QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

6934 -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Бобожонова Бекпошшанинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида яшовчи фуқаро Бобожонова Бекпошшанинг “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 22 февралдаги ШЯ-Б-682-сонли аризасини, “Ёш ўсмир” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 504-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 52,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 92,9 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 144,9 квадрат метр, қурилиш ости майдони 184,875 квадрат метр, умумий ер майдони 1355,5 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Бобожонова Бекпошшага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Бобожонова Бекпошшага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Бобожонова Бекпошшага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев